

# **Фалла - 2023 | Термиз туманида**

## **«Фалла-2023» мавсумига**

### **тайёргарлик юзасидан кўргазмали**

### **семинар бўлиб ўтди**



Термиз туманидаги “Қорахон Янгиариқ” фермер хўжалигига тумандаги кластер ва фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида 2023 йил фалла ҳосили учун уруғ экиш ишларини бошлаш бўйича кўргазмали семинар ўtkазилди.

Семинарда вилоят ҳокимининг ўринбосари Усмон Туропов, туман ҳокими Шухратжон Уринов ҳамда алоқадор қишлоқ хўжалиги соҳаси ташкилот ва корхоналари раҳбарлари, шунингдек, агроном ва механизаторлар иштирок этишди.

Кўргазмали семинарда уруғ қадаш ишларини ташкил этиш, далани тайёрлаш, техникаларни шай ҳолатга келтириш ва уруғ танлаш ва экиш ишлари кўргазмали тарзда мутахассис ва агрономлар томонидан кластер ва фермер хўжаликлари вакилларига тушунтиришлар берилди.









